

Ғалла ўрими қизғин давом этмоқда

Элликқалъа туманида долзарб палла — ғалла ўрими қизғин давом этмоқда. Ризқ-рўзимиз қадалган майдонларда бугун юқори русумдаги комбайнлар самарали фаолият олиб бораяпти. Уларнинг ҳар бири билан бир кунда кўп миқдорда буғдой ўрилиб, сара дони хирмонга жўнатилаётир.


Image not found or type unknown



Ғалла ўрим-йигим мавсумини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда яқунлаш буйича туман штаби ташкил қилинган. Туман буйича 15 та ўрим-йиғим отрядлари ташкил қилинган бўлиб, уларга 41 та масъуллар бириктирилган.

Шунингдек, отрядларга 15 та ўрим комбайнлари, 35 та дон ташиш автомобиллари, 60 та трактор тиркамалари, 15 та кўчма таъмирлаш устахоналари, 15 та ёқилги мойлаш материаллари тарқатиш воситалари бекитиб берилган.


Image not found or type unknown



Ғалла ҳосилини ўриш, янчилган донни ташиш, сомонни йиғиш учун жами 1685,2 млн.сум маблағ талаб қилиниб, шундан йиғиб олиш учун 610,4 млн.сум, донни ташиш учун 376,2 млн.сум, ғалласи ўриб олинган майдонларни сомондан тозалаш учун 698,6 млн.сум маблағ талаб қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек янчилган донни қабул қилиш учун «Қоракалпоқ дон маҳсулотлари» АЖ Бустондон филиали мавсумга тайёр қилиб қўйилди.

Image not found or type unknown



Элликқалъа тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.